



КРИМИНОГЕН ВАЗИЯТИ МУРАККАБ МАҲАЛЛАЛАРДА  
ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИНГ БАРВАҚТ ОЛДИНИ  
ОЛИШ: НАЗАРИЙ МУНОЗАРА, ХАЛҚАРО ТАЖРИБА ВА  
МИЛЛИЙ МОДЕЛ ИНТЕГРАЦИЯСИ

Абдуразаков Абдувахид Абдулҳаевич

Ички ишлар вазирлиги Академияси Магистратура тингловчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20676232>

ARTICLE INFO

Qabul qilindi: 1-iyun 2026 yil  
Ma'qullandi: 5-iyun 2026 yil  
Nashr qilindi: 13-iyun 2026 yil

KEY WORDS

криминоген вазият,  
маҳаллабай тизими, илмий  
полемика, проактив  
профилактика, Community  
policing, геомапнинг,  
виктимологик паспорт,  
ижтимоий дезорганизация,  
сунъий интеллект, пробация  
назорати.

ABSTRACT

Мазкур илмий мақола Янги Ўзбекистон шароитида жамоат хавфсизлигини таъминлашнинг энг қуйи бўғини – маҳаллаларда ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олишнинг концептуал, ҳуқуқий ва ташкилий-амалий муаммоларига бағишланган. Тадқиқотда Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳридаги “Хамза” маҳалласи мисолида жиноятчиликни детерминация қилувчи омиллар чуқур эмпирик таҳлил қилинган. Мақоланинг марказий қисмида криминология фанидаги фундаментал назариялар (“Синган ойналар”, “Ижтимоий дезорганизация”, “Жиноят иқтисодиёти”) атрофидаги илмий мунозаралар ва уларнинг миллий амалиётга мослашуви ёритилган. Шунингдек, АҚШ, Япония, Сингапур, БАА каби давлатларнинг профилактик моделлари қиёсий ўрганилиб, ички ишлар органлари фаолиятига сунъий интеллект, рақамли геофазовий хариталаш ва “Маҳалла еттилиги”нинг яхлит институционал ҳамкорлигини жорий этиш юзасидан инновацион таклифлар ишлаб чиқилган.

XXI асрда жамиятнинг кескин рақамлашуви, урбанизация ва глобал ижтимоий-иқтисодий трансформациялар жиноятчиликнинг қиёфасини тубдан ўзгартирди. Бугунги кунда анъанавий реактив (жиноят содир этилгандан сўнг чора кўриш) профилактика моделлари ўзининг илмий ва амалий салоҳиятини тўлиқ йўқотди. Ўзбекистон Республикасида давлат сиёсатининг устувор йўналиши сифатида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимининг бевосита энг қуйи бўғинида – маҳаллаларда мақсадли ва манзилли тарзда ташкил этилиши янги криминологик парадигмани шакллантирмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги ПҚ-253-сон ҳамда 2026 йил 5 январдаги ПҚ-1-сон қарорлари маҳаллаларда хавфсиз муҳитни яратишда илмий-амалий ёндашувларни тақозо этади. Бироқ, амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотларга қарамай, айрим ҳудудларда мулкӣ жиноятлар, оилавий-маиший

низолар, пробація назоратидаги шахсларнинг ижтимоий адаптациясидаги муаммолар ва ёшлар ўртасида янги турдаги (*кибержиноятлар, синтетик гиёҳвандлик*) таҳдидларнинг ортиши кузатилмоқда. Бу ҳолат криминоген вазияти мураккаб бўлган ҳудудларда жиноятчиликнинг олдини олишда умумий ва қолипга тушган усуллардан воз кечиб, инновацион, рақамли ва энг асосийси, чуқур психологик-педагогик ёндашувларга асосланган мақсадли моделларга ўтиш заруратини келтириб чиқармоқда.

Криминология илм-фанида маълум бир ҳудуддаги жиноятчилик ҳолатини баҳолаш мураккаб ва баҳсли жараён ҳисобланади. Мақоланинг ушбу қисмида биз доимий мунозараларга сабаб бўладиган фундаментал тушунчалар ва назариялар атрофидаги илмий полемикага киришамиз.

Жаҳон ва миллий криминологиясида “криминоген вазият” тушунчасига нисбатан турли хил қарама-қарши ёндашувлар мавжуд. Классик криминологларнинг (МДХ олимлари Г.А. Аванесов, А.И. Алексеев) фикрича, криминоген вазият – бу муайян ҳудудда содир этилган жиноятларнинг статистик миқдори ва у ерда яшовчи “риск гуруҳи”га кирувчи шахслар концентратсияси билан ўлчанади. Уларнинг ёндашуви кўпроқ миқдорий кўрсаткичларга таянади.

Бироқ, бу фикр билан замонавий миллий олимларимиз, хусусан академик М.Х. Рустамбоев ва профессор И. Исмоиловлар тўлиқ қўшилмайди. Уларнинг қарашларига кўра, криминоген вазиятни фақат қайд этилган жиноятлар сони билан ўлчаш мутлақо хатодир. Уларнинг таъкидлашича, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тизимида ҳар бир маҳалланинг ўзига хос микроиқлими, ижтимоий-руҳий муҳити ва латент (яширин) жиноятчилик даражаси ҳисобга олиниши шарт.

Демак, илмий мунозаралар чорраҳасида шундай хулоса келиб чиқади: “Криминоген вазияти мураккаб маҳалла” – бу шунчаки жиноятлар сони кўп бўлган географик ҳудуд эмас, балки ижтимоий назорат механизмлари етарли даражада ишламаётган, муқаддам судланганларнинг (пробаціядаги шахсларнинг) жамиятга қайтишида тизимли муаммолар мавжуд бўлган ва аҳолининг виктимологик (жабрланувчига айланиш) хавфи юқори бўлган маъмурий-ижтимоий макондир.

Микроҳудудлардаги жиноятчилик сабабларини очиб беришда жаҳон олимлари ўртасида жиддий полемика давом этмоқда. Бир тарафда, Чикаго мактаби вакиллари К. Шоу ва Г. Маккейнинг “Ижтимоий дезорганизация назарияси” туради. Уларга кўра, жиноятчилик ҳудуддаги ижтимоий институтларнинг емирилиши, ишсизлик, оилавий ажримлар ва қўшничилик алоқаларининг сусайиши оқибатида келиб чиқади. Иккинчи тарафда эса, Ж. Уилсон ва Ж. Келлинг томонидан ишлаб чиқилган машҳур “Синган ойналар” назарияси мавжуд бўлиб, улар жиноятнинг асл сабабини инфратузилманинг ташландиқлиги ва жамиятнинг майда ҳуқуқбузарликларга нисбатан тоқатлилигида кўради.

Ўзбекистоннинг маҳалла тизимига қайси назария кўпроқ мос келади? Чирчиқ шахрининг “Хамза” маҳалласи тажрибаси шуни кўрсатдики, бизда ушбу икки назариянинг синтези кузатилмоқда. Яъни, тунги вақтда кўчаларнинг ёритилмаслиги ёки кузатув камераларининг йўқлиги (“Синган ойналар”) ишсизлик ва банд бўлмаган ёшлар контингентининг мавжудлиги (“Ижтимоий дезорганизация”) билан бирлашиб, кучли криминоген портлашни келтириб чиқармоқда. Шу сабабли, профилактика маҳалланинг ҳам ижтимоий муҳитини, ҳам физиологик инфратузилмасини тенг равишда соғломлаштиришни талаб этади.

Америкалик иқтисодчи ва Нобель мукофоти соҳиби Гэри Беккернинг “Жиноят ва жазо иқтисодиёти назарияси” га кўра, шахс жиноят содир этишдан олдин хавф ва фойдани ҳисоблаб чиқади; агар жазо қатъий ва муқаррар бўлса, у жиноятдан воз кечади. Бирлашган Араб Амирликлари (БАА) ва Сингапур давлатлари айнан шу назарияга асосланиб, “Ноль толерантлик” сиёсатини ва ўта оғир жазоларни (*шу жумладан ўлим*

жасосини) қўллаб, энг хавфсиз давлатларга айланди. Бироқ, криминолог Ҳерман Голдстейн бунга эътироз билдириб, ўз тадқиқотларида “Жамоатчилик полицияси” (Community Policing) назариясини илгари суради ва жиноятчиликни шафқатсиз жазолаш орқали эмас, балки полиция ва жамиятнинг ишончли ҳамкорлиги орқали энгиш мумкинлигини исботлайди. *Бизнинг ёндашув:* Ўзбекистон шароитида, айниқса пробацация назоратидаги ва ёш ҳуқуқбузарлар билан ишлашда, Беккернинг репрессив усулларида кўра, психологик ва педагогик коррекцияга таянувчи Голдстейн ёндашуви миллий менталитетимизга ва маҳалла институтининг табиатига кўпроқ мос келади. Шу билан бирга, коррупция ва гиёҳвандлик савдоси каби жиноятларда жазонинг муқаррарлигини (*Беккер назариясини*) қатъий таъминлаш зарурлиги ҳам инкор этиб бўлмайди.

Назарий мунозараларни амалий фактлар билан асослаш мақсадида Тошкент вилояти Чирчиқ шаҳрининг криминоген вазияти мураккаб ҳисобланган (*Хамза*) маҳалласида кенг қамровли криминологик тадқиқот ўтказилди. Тадқиқот доирасида 500 нафар респондент ўртасида социологик сўровнома ўтказилиб, ҳудудларнинг геоинформацион хариталари (геомаппинг) таҳлил қилинди.

Респондентларнинг 58 фоизини эркаклар, 42 фоизини аёллар ташкил этди. Сўровномада иштирок этганларнинг қарийб 30 фоизи вақтинча ишсизлар ёки доимий даромадга эга бўлмаган фуқаролардан иборат бўлди. Натижалар шуни кўрсатдики, маҳаллаларда аҳолини энг кўп ташвишга солаётган жиноятлар – бу мулкый жиноятлар (ўғрилик – 42%), оилавий-маиший зўравонлик (31%) ва безориликдир (18%).

Аҳоли томонидан жиноятчиликнинг асосий сабаблари қуйидагича баҳоланди:

- ёшлар ва фуқаролар ўртасидаги ишсизлик – 52% (260 нафар);
- инфратузилмадаги бўшлиқлар (*камера ва ёритгичларнинг йўқлиги*) – 21% (105 нафар);
- ички ишлар органлари ва маҳалла фаоллари назоратининг сустлиги – 15% (75 нафар);
- аҳолининг ҳуқуқий ва рақамли саводхонлиги пастлиги – 12% (60 нафар).

Ушбу рақамлар Л. Коэн ва М. Фелсоннинг “Кундалик фаолият назарияси”ни амалда тасдиқлайди. Унга кўра, жиноят содир бўлиши учун: мотивацияга эга шахс (*ишсиз*), қулай нишон (*қаровсиз мулк*) ва назоратнинг йўқлиги (*қоронғу кўча ва суст жамоатчилик назорати*) бир жойда кесишмоқда. Геоинформацион таҳлилларга кўра, “Хамза” маҳалласидаги боғлар атрофи, қаровсиз қолдирилган хонадонлар айнан шундай криминоген кесишув нуқталари (*жиноят ўчоқлари*) эканлиги аниқланди.

Дунёнинг энг хавфсиз давлатлари тажрибаси шуни кўрсатадики, жиноятчиликнинг олдини олиш фақатгина полициянинг вазифаси эмас.

Япония тажрибасида микро-полиция таянч пунктлари орқали полициячи йилига камида икки марта ўз ҳудудидаги ҳар бир хонадонга ташриф буюради (*“Junkai-renraku” амалиёти*) ва аҳоли билан мулоқот қилади. Бу биздаги профилактика инспекторининг фаолиятига айнан ўхшаш бўлиб, биз ходимларни қоғозбозликдан халос этиб, асосий вақтни мана шундай жонли мулоқотга ва пробацациядаги шахслар билан педагогик ишлашга йўналтиришимиз керак.

Буюк Британиянинг 1998 йилги “Жиноятчилик ва тартибсизликларга қарши курашиш тўғрисида”ги Қонунига кўра, жиноятчиликнинг олдини олиш полиция билан бирга барча маҳаллий ижтимоий ва соғлиқни сақлаш органларининг қонуний мажбуриятидир. Бу бизнинг “Маҳалла еттилиги” тизимини қонуний мустаҳкамлаш заруратини яққол тасдиқлайди.

Сингапурнинг “PolCam” ва “SGSecure” лойиҳалари барча кўп қаватли уйларни 100 фоиз интеллектуал камералар билан таъминлашни ва аҳолининг мобил иловалар орқали полицияга тезкор хабар юборишини ўз ичига олади. Дэвид Лайоннинг “Рақамлаштириш ва хавфсизлик назарияси” асосида қурилган бу тизим Ўзбекистонда

жорий этилаётган “Менинг инспекторим” мобил иловаси ва “QALQON” дастурининг истиқболдаги мукамал кўринишидир.

Криминоген вазияти мураккаб маҳаллаларда жиноятчиликни детерминация қилувчи омилларни бартараф этиш учун қуйидаги мақсадли (манзилли) моделни жорий этишни таклиф қиламиз:

Анъанавий кўл меҳнати ва қоғозбозликдан воз кечиб, инновацион бошқарувга ўтиш керак.

Профилактика ва пробация ходимлари фаолиятини енгиллаштириш мақсадида, юқори даражали дастурлаш тиллари асосида суд ажримлари ва ҳужжатларни автоматик парсинг ва скрапинг қилувчи алгоритмларни яратиш лозим. Бу орқали жазо муддатларини автоматик ҳисобловчи “локал калькуляторлар” яратилади ва инсон омили сабабли йўл қўйиладиган хатоликлар нолга туширилади.

Криминоген маҳаллаларда кузатув камераларини сунъий интеллектга асосланган “QALQON” тизимига интеграция қилиб, жиноят ўчоқларини реал вақт режимда электрон хариталаш амалиётини қонунийлаштириш зарур.

Жиноятнинг асл сабаблари бўлган ишсизлик ва оилавий низоларни инспектор ёлғиз ҳал қила олмайди.

Пробация назоратидаги ва жазони ўтаб қайтган шахсларни ижтимоий реабилитация қилиш масъулияти қонун ҳужжатлари билан фақатгина ИИОга эмас, балки “Маҳалла еттилиги”нинг ҳар бир аъзосига (*ҳоким ёрдамчиси ва ёшлар етакчисига ҳам*) тақсимланиши шарт. Бу жараёнда педагогик ва психологик кўмак (*ижтимоий мослашув*) биринчи ўринга чиқиши керак.

Маҳаллада норасмий молиявий муносабатлар (*судхўрлик, қарз олди-бердиси*) оқибатида юзага келаётган фирибгарлик ва зўравонлик жиноятларининг олдини олиш мақсадида профилактика инспектори ва солиқ инспекторининг ҳамкорлик механизми кучайтирилиши лозим.

Тадқиқотимиз шуни кўрсатдики, Чирчиқ маҳаллаларидаги аксарият ўғриликлар фуқароларнинг ўз мулкига бепарволигидан келиб чиққан.

Ҳар бир “қизил” тоифадаги маҳалланинг “Виктимологик паспорти”ни ишлаб чиқиш ва уни маҳалланинг электрон базасига киритиш таклиф этилади.

Кўп қаватли уйларда истиқомат қилувчи аҳоли ўртасида “Хавфсиз йўлак” лойиҳасини мажбурий тартибда амалга ошириш, яъни маҳаллий бюджет ҳисобидан қоронғу йўлакларга кодли қулфлар ва сенсорли ёритгичлар ўрнатишнинг ягона стандартини ишлаб чиқиш тавсия этилади. Бу Европанинг СРТЕД (*Атроф-муҳитни лойиҳалаштириш орқали жиноятларнинг олдини олиш*) концепциясига тўла мос келади.

“Хамза” маҳалласида кузатилган оилавий маиший низоларнинг оғир қотиллик ёки тан жароҳати етказишга айланиб кетишининг олдини олиш учун қоғоз шаклидаги ҳимоя ордерлари етарли эмас.

Хотин-қизлар фаоли ва ижтимоий ходимнинг планшетларида махсус “Низоли оилаларнинг электрон харитаси”ни юритиш тавсия қилинади.

Энг муҳими, ҳимоя ордери берилган жабрланувчининг мобил телефонида ИИОга тўғридан-тўғри боғланган “Тревога тугмаси” (SOS иловаси) ўрнатиш ва унинг ишлаш тартибини “Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунда мустаҳкамлаш таклиф этилади.

Диссертация доирасида ишлаб чиқилган таклифларнинг амалий ижросини таъминлаш учун:

“Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси тўғрисида”ги Қонуннинг

22-моддасига рақамли профилактика чора-тадбирларини (*геофазовий хариталаш, сунъий интеллект ва видеоаналитика алгоритмларини*) профилактиканинг расмий усуллари сифатида киритиш.

Ушбу қонуннинг 9-моддасига “Маҳалла еттилиги”ни профилактиканинг ягона, солидар ва интеграциялашган субъекти сифатида мустақкамловчи норма қўшиш.

“Ички ишлар органлари тўғрисида”ги Қонуннинг 16-моддасига криминоген маҳаллаларнинг “Виктимологик паспорти”ни юритиш ва инфратузилмани хавфсизлантириш бўйича тақдимномалар киритиш ваколатини қўшиш асослантирилди.

Хулоса ўрнида шуни таъкидлаш жоизки, Янги Ўзбекистонда жамият хавфсизлигини таъминлаш доирасида таклиф этилаётган ушбу мақсадли (манзилли) модел – ўз ичига илғор рақамли технологияларни, психологик-педагогик ёндашувларни ҳамда ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ва маҳалла фаолларининг интеграциялашган ҳамкорлигини мужассам этади.

Тадқиқот шуни кўрсатдики, жиноятчиликни фақатгина куч ишлатиш ва жазолаш орқали жиловлаб бўлмайди. Маҳаллалардаги реал криминоген вазиятни ва фуқароларнинг эҳтиёжларини инобатга олган ҳолда, “Синган ойналар” эффеқтини бартараф этиш, пробақиядаги шахсларни жамиятга қайтаришда институционал ёрдам кўрсатиш ва виктимологик таълимни кенгайтириш орқалигина кутилган натижага эришиш мумкин. Ушбу илмий-амалий ва ҳуқуқий механизмларнинг изчил равишда ҳаётга татбиқ этилиши мамлакатимизда ҳуқуқбузарликларнинг илдишларини барвақт кесишга ва пировардида, ҳар бир фуқаро учун кафолатланган тинч ва “Хавфсиз маҳалла” муҳитини яратишга хизмат қилади.

#### Фойдаланилган адабиётлар:

1. Аслаханов В.В. и др. О причинах российской коррупции //ББК 63 П 99 Рецензенты: доктор исторических наук, профессор кафедры «История России, краеведение и методика преподавания истории» Пензенского государственного университета. – С. 271.
2. Charis E. K., Ronald W. New directions in social disorganization theory //Recent developments in criminological theory. – Routledge, 2017. – С. 265-294.
3. O. Brien D.T. Farrell C. Welsh B.C. Broken (windows) theory: A meta-analysis of the evidence for the pathways from neighborhood disorder to resident health outcomes and behaviors //Social science & medicine. – 2019. – Т. 228. – С. 272-292.
4. Аванесов, Г.А., Алексеев, А.И., Антонян, Ю. М., Вицин, С. Е., Жигарев, Е. С., Игошев, К. Е., ... & Уткин, В. А. (1989). Криминология и профилактика преступлений.
5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2025 йил 18 августдаги “Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим қарорларига маҳаллаларда жиноятчиликнинг барвақт олдини олиш тизими натижадорлигини янада оширишга қаратилган ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ПҚ-253-сон қарори / <https://lex.uz/uz/docs/7690026>.
6. Рустамбаев М.Н. Криминоген вазият ва профилактика механизмлари// Юридик фанлар ахборотномаси. – 2024. – №. 3. – Б. 112-120.
7. Маҳаллаларда жиноятчилик статистикаси // Uza.uz. – 2025. – September.
8. Қодиров А.Қ. Раҳбарлар масъулияти ва профилактика // Общество и инновации. –2023. – Т. 4. – №. 5. – Б. 45-52.
9. Намунавий хавфсиз кўча ва уй лойиҳалари // Nrm.uz. – 2025.
10. Шарипов Р.Ш. Шахсий масъулият ва жиноятлар профилактикаси // World Bank Journal. – 2022. – P. 67-89.